


“Олам нурга тўлсин сен билан Наврўз!”

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA https://adolat24.uz

2024-yil 21-mart, payshanba № 12 (1478)

t.me/Gazeta_Adolat


# Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдир

Баҳор ўлкамизда само бағрида хуш насимлар эсиши, илиқ еллар елиши, майин шабадаларнинг ўйноқи тафти билан бошланади. Бундан замин бағрига ҳам бир илиқлик инади. Ана шундай пайтда қаҳратон қишнинг қорлари орасидан нафис чучмомалар бош кўтаради. У баҳорнинг илк элчисига, хабарчисига айланади.

Булутлар орасидан мўралаган офтобнинг илиқ нурлари туфайли дала-даштларда, боғ-роғларда, бепоён чўлларда, умуман, замин бағрида яшиллик бўй кўрсатади. Шошқалоқ ёмғирлар заминни тўйинтиради, қиш уйқусидан уйғонган дов-дарахтларни ювинтиради. Куртакларга жон киради. Мажнунтоллар новдалари яшил пўпанак боғлаб солланади. Боғлар янги тушган келинчакдек гўзаллик қўйнига киради.

Булоқларнинг сувларида одатдагидан кўра жўшқинлик пайдо бўлди. Каналлар, анҳорлар, ариқлар тўлиб-тошиб оқади...

Юртимизда баҳор ана шундай бошланади. Борлиқ уйғониш палласига киради.

Ана шундай пайтда табиатнинг яна бир мўъжизаси рўй беради — тун ва кун тенглашади. Ҳаётда ёруғлик ва зулмат ўртасида тенглик, мувозанат юзага келади. Аждодларимиз олис ўтмишдан бошлаб ҳаётда бундай мувозанатнинг юзага келишини яхши билганлар ва унга Наврўз — янги кун деб ном берганлар. Янги кун эса Янги йилнинг боши ҳисобланган. Шу сабабли Наврўз шарқ халқларининг янги йил байрамига айланган. Бу байрамга бағишланиб сайллар ўтказилган, куй-қўшиқлар тўқилган, турфа таомлар тайёрланган, ушбу айёмда одамлар ўртасида дўстона муносабатлар, ҳамкорликлар мустаҳкамланган.

Хўш, ушбу куннинг Наврўзга айланиш сабаби нимада? У нима учун байрам сифатида улуғланади? Наврўз қайси даврлардан бошлаб байрам қилинган?

3

## Байрам қутлови

## Наврўзи олам муборак!

**Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!**

*Диёримизга қутлуғ қадамлари билан кириб келган баҳорнинг янгиланиш ва ёшариш, эзгулик ва меҳр-оқибат айёми бўлмиш Наврўзи олам билан барчангизни самимий муборакбод этаман!*

*Наврўз ерга нур, элга ғурур, дилга сурур бағишлайдиган, меҳру мурувватли халқимизнинг азалий урф-одатлари бутун бўй-бастини яққол кўрсатадиган шодиёна сифатида қалбимизга яқиндир. Наврўз айёми асрлар оша халқимизнинг шонли тарихи, фалсафаси, қадриятлари, урф-одатларига ҳамоҳанг тарзда сайқал топган, азалий орзу-умидлари қадар миллатнинг қон-қонига сингиб кетган.*

*Ўзбекистон “Адолат” СДП мамлакатимизнинг янада равнақ топиши, аҳолимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш йўлидан борар экан, бундай шарафли вазифани адо этишда Сиз, азизларнинг, орзу-ниятларингиз ва манфаатларингизни рўёбга чиқаришни ўзининг энг олий мақсади деб билади. Ушбу муаззам заминда, барчамиз оиламиз, Ватанимиз ва давлатимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган эканмиз, бундай шарафли йўлда бир-биримизнинг меҳр-оқибатимизга, бағрикенг халқимиз муҳаббатига таянамиз.*

*Табиат янгиланаётган, юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган нурли лаҳзаларда, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, қилаётган эзгу ишларингизга файзу барака тилаймиз.*

*Наврўз – кириб келаётган йилбоши юртимизга қут-барака, халқимизга тинчлик, хотиржамлик ва фаровон ҳаёт олиб келсин. Ҳар бир хонадон бахт ва қувонч қўрғонига айлансин!*

*Ҳазрат Алишер Навоий лутф этганларидек, ҳар тунингиз қадр, ҳар кунингиз эса Наврўз бўлсин!*

*Ватанимиз равнақи йўлидаги шарафли меҳнатингизда ҳамиша улкан зафарлар, оилавий бахт, баҳорий кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!*

**Робахон МАХМУДОВА,**
**“Адолат” социал-демократик партияси**
**Сиёсий Кенгаши раиси**

## Биз сувни эмас, авлодлар ризқини исроф қилаяпмиз!



**Республикамизнинг кўплаб туманларида сув қувурларида олдингидек сув оқмаяпти. Сув қувурлари бошидаги манбаларда олдинги сув захиралари йўқ энди. Ерости ичимлик сувлари ҳам қочмоқда. Ариқларда энди бизнинг кўзимиз ўрганган зилол сувлар оқмай қўйди. Масала жиддийлигига олимлар, жамоатчилик эътибор қаратмоқда. Сув тақчиллиги барча муаммоларни кучайтирмоқда.**

4



**21 март – Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд топган кун**

### Наврўз

*Яшадим қиш фаслин узун тунида,*
*Кўрдим ёруғликни тун якунида.*
*Жоним, Сен ҳам энди тараҳҳум айла,*
*Сен ҳам табассум қил Наврўз кунида.*

2003 йил 19 март



6

## Рамазон ойида нега нархлар кўтарилиб кетади?



**Аслида бу муборак ойда одамларга бироз ёрдам бўлсин, уларга хурсандчилик бўлсин, деган мақсадда нарх-наволар тижоратчининг ўзига ҳам зарар бўлмайдиган тарзда арзонлаштирилса, жуда бўлмаса, оширмай турилса, тижоратда шундай барака бўладики, буни бошқа вақтларда топиш қийин. Биз сонини эмас, сифатини яхшилаш пайида бўлайлик. Биз пулнинг кўплигини эмас, унинг баракасини сўрайлик.**

6

## Турар жойлар олдидаги боғлар, болалар ва спорт майдончалари, бошқа ижтимоий объектлар жойлашган ерлар халқники бўлиши керак



**Ваҳоланки, аҳоли бир ярим йилдан бери бунга ўз норозилигини билдириб келмоқда ёки аҳолининг қаршилигига қарамасдан Мирзо Улуғбек тумани “Баҳор” маҳалласида жойлашган футбол майдони ўрнида ҳам кўп қаватли бино қурилиши мўлжалланган.**

4

## Муносабат

# Аёллар тадбиркорлиги: янгича ёндашув

**Халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, айниқса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида бу борада қатъий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар одамларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир.**



**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**"Адолат" СДП фракцияси раҳбари**

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи бўйича жадал саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бу турдаги бизнес ривожланиши орқали мамлакатда тараққиёт бўлишини тасаввур ҳам қилолмас эдик. Сўнгги йилларда эса кичик ва ўрта бизнесини бошлаётган юртдошларимизнинг сафи кун сайин сезиларли даражада кенгайиб бормоқда-ки, буни, шубҳасиз, тизимли ислоҳотлар натижаси, дейиш мумкин.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 485 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларидан кичик бизнес субъектлари 2024 йил январь ҳолатига кўра 417 минг 80 тани ташкил этмоқда. Барча соҳаларда тадбиркорлар сони ва фаолият доираси кенгайиб, уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Энг асосийси, кўплаб юртдошларимизнинг бандлиги таъминланиб, оилаларининг иқтисодий муҳити яхшиланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлик соҳасида опа-сингилларимизнинг сафи кун сайин кенгайиб бораётир.

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Очиғини айтиш керак, ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган опа-сингилларимиз, имконияти чекланган аёл-қизларимиз нафақат ўз ҳаётини ижобий томонга ўзгартирдилар, балки турмуш синовлари қуршовида қолган бошқа аёлларни ҳам иш билан таъминлашга эришдилар. Бу борада Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида ажратилаётган имтиёзли кредитлар, албатта, ўз натижаларини берди десак, асло янглишмаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 мартдаги *"Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"*ги қарори опа-сингилларимиз учун ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришларини кафолатлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Бинобарин, ушбу қарорда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан икки йиллик имтиёзли давр билан беш йил муддатга йиллик 14 фоиз ставкада жами 100 миллион АҚШ доллар эквиваленти миқдорида кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Бу шундан далолат берадики, эндиликда опа-сингилларимиз бирон бир касб-ҳунар эгаси бўлиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишлари мумкин. Демак, уларнинг ҳам оилада, ҳам жамиятда фаоллиги янада ошади.

Савдо-саноат палатаси, АТ "Халқ банки", "Бизнесни ривожлантириш банки" ва "Микрокредитбанк" АТБда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими яратилиши кўзда тутилгани аҳамиятли жиҳатлардан биридир. Бинобарин, ушбу тизим орқали хотин-қизларга бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, маҳаллаларда уларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда тадбиркорлигини бошлаган опа-сингилларимизнинг маҳсулотларини сотишга амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнлари кузатиб борилади ва улар билан доимий мулоқот таъминланади.

Қарорда, биринчи навбатда, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган ишсиз хотин-қизлар эътиборга олиниши лозимлиги белгилаб қўйилди. Ушбу жараён тўлақонли ишлаши учун эса, албатта, аниқ режа ва таклифлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу боис ҳужжатда ушбу масала юзасидан тегишли соҳа вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига топшириқлар белгилаб берилди. Ўз навбатида, қарор ижросини таъминлашда тегишли масъуллар қаторида хотин-қизлар қўмиталари, фаоллар ҳам жонбозлик кўрсатишлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир амалий иш биргаликда, ҳамжиҳатликда бажарилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, айни пайтда Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Сенат Раиси бошчилигида махсус комиссия тузилиб, ҳар ой якунида ушбу йўналишдаги ишларнинг натижалари бўйича муҳокамалар ўтказиб борилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу қарори кўплаб хотин-қизларимиз ҳаётини янада яхшилаш баробарида оила даромади ошишига ҳамда оила иқтисодининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

# Уйғониш фасли

**Наврўз, бу — уйғониш, янги кун демакдир. Ушбу байрам бир неча минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, асрлар оша она Ўзбекистонимизда ҳам кенг нишонланиб келинади.**



**Муҳаббат ШАРОПОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати**

Наврўзнинг Шарқ халқлари ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асари ҳам бунга яққол мисол бўлади. Буюк бобокалонимиз ўз асарида қайд этишича, Наврўз байрамининг пайдо бўлиши қуёшнинг Ҳамал буржига кириши билан, шунингдек, тун ва куннинг тенглашуви каби қатор табиат ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда қадимдан нишонланган.

Янги Ўзбекистонда эса қадимий Наврўз байрами 1990 йилдан бошлаб расман кенг нишонланиб келинади. 21 март куни давлатимиз томонидан Наврўзи оламни умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида белгиланганы барчани хушнуд айлади. Қолаверса, 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ томонидан 21 март – Халқаро Наврўз куни деб эълон қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизда ҳар йили Наврўзи олам миллати, дини, урф-одатидан қатъи назар, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган турли миллатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик муносабатларини тобора мустаҳкамлаб, уларни бир-бирига янада яқинлаштириб, жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мана, бу йил ҳам республикамизнинг барча гўшаларида Наврўз умумхалқ байрами давлатимиз раҳбарининг қарори асосида *"Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!"* деган бош ғоя асосида умумхалқ сайллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада ўтмоқда. Яқиндагина воҳамиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказилди. Уларда юртдошларимиз фаол иштирок этиб, ўз ҳудудлари ободлигига катта ҳисса қўшдилар. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Партиядошларимиз ташаббуси ва кўмаги билан 23 та ўзгалар парваришига муҳтож оилалар томорқалари ободонлаштирилиб берилди. Йўл ёқалари ва белгиланган жойларга 2312 туп дарахт ниҳоллари экилди. Ҳашарда Нишон, Миришкор, Ғузор тумани партия аъзолари фаоллик кўрсатишди.

Барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайман. Наврўз ҳар бир хонадонга яхшилик, халқимизга фаровонлик олиб келсин!

## Депутатлик гуруҳларида

# Халқ ишончини қозониш осон эмас

**Халқ депутатлари Фарғона туманидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларга таянган ҳолда ҳамжиҳатлик билан фаолият юритиб келмоқда.**



**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,**
**Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

Халқ билан юзма-юз мулоқот ўрнатиш, сайловчилар ишончини оқлаш учун **"Адолат" СДП Фарғона тумани кенгаши раиси Нодирбек Каримов, халқ депутатлари Фарғона тумани Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Озода Дадажонова** бошчилигида депутатларимиз партиянинг "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида ҳамиша халқ орасида бўлишга, уларни қийнаётган муаммоларни тегишли давлат органларига таклифлар киритиш орқали ҳал этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Фарғона туман кенгаши фаоллари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ҳар ҳафтанинг чоршанба куни жойларда "маҳаллабай" ва "фуқаробай" тизими орқали халқ билан юзма-юз мулоқотлар олиб борилмоқда. Мулоқотлар давомида ёшлар мурожаатлари асосида партиянинг "Бир ойда – бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 2023 йилда 40 нафар хотин-қиз ва ёшлар иш билан таъминланган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 нафар ёшлар бандлиги таъминланди, 15 нафар хотин-қизлар касбга йўналтирилиб, бепул ҳунар ўрганишлари учун имконият яратилди.

"Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи" лойиҳаси доирасида депутатлик гуруҳи раҳбари Озода Дадажонова ташаббуси билан туман Адлия бўлими вакиллари ва ҳуқуқшунослар иштирокида хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида "Аёлларни зўравонликлардан ҳимоялаймиз!", "Аёл ҳуқуқларини таъминлаш – тенглик тамойилининг муҳим омили" каби мавзуларда маҳаллаларда тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Ўтган 2023 йилда турмуш ўртоқлари томонидан оилавий зўравонликка учраган 5 нафар аёл, жорий йилда туман миқёсида ҳимояга олинган 30 нафар аёлдан 7 нафари депутатлар кўмаги асосида "Ҳимоя ордери" билан таъминланди.

Тумандаги "Оқбилол" маҳалла фуқаролар йиғини марказидаги катта йўлда қатновнинг ҳаддан ортиқ кўп бўлиши натижасида йўл инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги туфайли автоҳалокатлар содир бўлиб, аҳоли ҳаракатланишга қийналар эди. "Оқбилол" МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар **халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Асилбек Эркабоев**га ушбу масалани ҳал этиш юзасидан мурожаат қилишди.

Депутатнинг саъй-ҳаракати туфайли мутасадди идоралар ва ҳомийлар билан биргаликда муаммо атрофлича ўрганилди. Транспорт воситалари эгалари ва йўловчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида, энг аввало, йўл кенгайтирилди, йўл четларига тунги чироқлар ва светофор ўрнатилди.

Депутатлик гуруҳи томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик назорати тадбирлари олиб борилмоқда. Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда қишлоқ ҳудудларида онкологик ва гематологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар 3 ойда чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкил этиш ҳам анъанага айланиб улгурди. Албатта, халқ саломатлиги йўлидаги ҳамкорликлар ўз самарасини бериб келмоқда.

– *"Адолат" СДП бизнинг доимий ҳамкоримиз,* – дейди тиббиёт бирлашмасининг бош ҳамшираси Нилуфархон Худоберганова. – *Партия билан ҳамкорликда олис ҳудудларда режа асосида бепул тиббий кўрикларни ташкил этиб борамиз, зарур ҳолларда фуқароларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилади. Бундан ташқари, бирлашма бўлимларидаги ходимларимизга депутатларимиз ва партия туман кенгаши раиси Нодирбек Каримов томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда.*

Туман кенгашининг "Фарғона туманида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарорига асосан **туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари Назиржон Исақов, Файзуллоҳ Мирзаев, Озода Дадажонова** ва бошқа масъул ташкилотлар мутахассислари иштирокидаги ишчи гуруҳ "Барқарор ҳамжиҳатлик" МФЙ ҳудудида жойлашган ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш учун мўлжалланган ер майдонларида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар туман кенгаши сессиясида муҳокама қилиниб, ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қиладиган ва илгари доимий фойдаланиш учун ажратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ҳолати бўйича захирага қайтариш чора-тадбирлари кўрилиши белгиланди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари навбатдаги сайёр қабул жараёнида аҳоли тумандаги Ал-Фарғоний кўчасига ичимлик суви тармоғи тортилишида сифатсиз материаллардан фойдаланилаётганлигини, бунинг натижасида тортилган сув тармоқларидан сув сизиб чиқиб, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг хонадонларига зиён етказаётганлигини билдирди. Депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган сўров асосида муаммо ҳал этилди ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўриладиган бўлди.

Туманнинг "Зилол", "Баҳор", "Гузар", "Гулшан", "Шарқ ҳақиқати" МФЙлари ҳудудида истиқомат қилувчи ўнлаб фуқароларнинг мурожаатлари ҳам манзилли тарзда ўрганилди. Тадбир давомида фуқароларнинг яшаш шароитлари ўрганилиб, даволанишга, шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқароларнинг мурожаатлари туман Кенгаши депутатлари иштирокида доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилинди.

Туман миқёсида 30 нафар фуқаронинг саломатлигини тиклаш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан пул маблағ ажратилиши белгиланган бўлса, уларнинг 10 нафари "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоларининг депутатлик сўрови асосида амалга оширилди.

Халқ ишончини қозониш осон эмас. Кимки ўз хотиржамлигидан кеча олса, халқни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, уни ҳал эта олсагина ҳурмат қозона олади. Фарғоналик депутатлар бу йўлда бирдамликда фаолият кўрсатмоқдалар.

## Байрам тухфаси

# "Зиё улаш" акцияси "Мумтоз"да!

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан республика бўйлаб ўтказилаётган "Зиё улаш" акцияси доирасида Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги "Мумтоз" маҳалласида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази ташаббуси билан янги кутубхона очилди. Кутубхона очилиш маросимида Яшнобод туман адлия бўлими, ёзувчи-шоирлар, ёш ижодкорлар, мактаб ўқувчилари, журналистлар, сектор раҳбарлари ва давлат ташкилотлари масъуллари иштирок этди.**

**Давронбек РАВШАНБЕКОВ,**
**Яшнобод туман адлия бўлими бошлиғи**

«Зиё улаш» челленжи доирасида маҳалла кутубхонасига Президент асарлари, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, ҳуқуқий ва болалар адабиётига оид 300 га яқин китоблар ва электрон кутубхона ташкил этиш учун замонавий компьютер жамланмаси тақдим этилди.



Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Ислом Ҳамроев ҳам қатнашиб, янги кутубхонага 200 дона бадиий китоблар жамланмасини совға қилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Наврўзи олам арафасида Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган #ziyo_ulash акцияси доирасида юртимиздаги 108 та маҳаллада янги кутубхоналар иш бошлади. Акция эълон қилинган кундан бугунга қадар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги 213 та маҳаллада кутубхоналар ташкил қилиниб, уларга 60 мингга яқин китоб, 155 та компьютер жамланмаси ва 2 240 дан ортиқ кутубхона жиҳозлари совға қилинди. Ушбу маҳаллаларда 40 минг китобни ўзида жамлаган электрон кутубхонадан фойдаланиш имконияти ҳам яратилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Мумтоз» МФЙ раиси Дилфуза Турсиматова бундай эзгу ишга бош-қош бўлган барча ташкилотларга, ижодий уюшмаларга, ижодкорларга қизғин миннатдорлик билдирди.

Акцияда адлия органлари билан биргаликда "ЎзАрхив" агентлиги, Нотариал палата, Тошкент давлат юридик университети, Юристлар малакасини ошириш маркази, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази ҳамда Интеллектуал мулк маркази ҳам иштирок этмоқда. Келгусида Адлия вазирлиги ташаббуси билан кутубхона ташкил қилинган маҳаллаларда китобхон ёшлар учун республика бўйича танлов ташкил этилиши режалаштирилган.






# Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдир



**Камол Муҳаммад ЁҚУБ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Бу байрам билан боғлиқ қандай қадриятлар, урф-одатлар пайдо бўлган? Бу каби саволларга аждодларимиз – улуғ мутафаккирлар, алломалар асарларида етарлича жавоб беришган.

Ўрта аср алломаси ва шоир Умар Ҳайём “Наврўзнома” асарида бу куннинг пайдо бўлиши ва байрамга айланиши хусусида шундай маълумот беради: *“Офтоб исфандармуз ойида охирги Ҳут буржига етиб келади. Каюмарс вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва офтоб фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи буржга кирди. Жамшид подшолигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач, бу давр тугади ва қуёш ўз фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб дунё мувозанатга келди, яъни кун билан тун тенглашди. Биз эслатган бу кунда у байрам ташкил қилди, унга “Наврўз” деб ном берди. Одамларга ҳар йили фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни Янги йил (боши) деб ҳисоблашни, қуёш тургунча Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди”.*

Улуғ муаррих Абу Бакр Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Наврўз ҳақидаги маълумотларни янада тўлдириб ёзади: *“Бухорода йилнинг охирида одамлар йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз – янги йил байрамини ўтказадилар. Буни “Наврўзи кишоварзон” – “Деҳқонлар наврўзи” дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил кунлари ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга алоҳида эътибор берадилар. Оташпарастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади”.*

Тарихдан маълумки, оташпараст зардуштийларнинг ҳам Наврўзни нишонлашда асрлар давомида ўз ғоялари, қадриятлари, урф-одатлари шаклланган. Улар “Оловни илоҳий куч деб билганлар. Бу илоҳий куч қуёшнинг бир парчаси, қуёш эса “Оллоҳнинг жамоли”, куну туннинг тенг келиши Оллоҳнинг қудрати” деган фикрни илгари сурганлар. Аллома Абдул Ҳасан Нишопурий “Хазоин ул-улум” асарида Сиёвуш отаси Кайковус ёнидан узоқлашиб, Афросиёб ҳузурига келгани, Афросиёб унга қизини ва мулкидан бир қисмини бергани, Сиёвуш Бухоро ҳисорини бунёд қилдиргани, лекин Афросиёб ёмон одамлар қутқуси туфайли Сиёвушни ўлдиртиргани, уни ўзи бино қилдирган Бухоро ҳисорининг ичига — “Дарвозаи ғуриён” деб аталган дарвоза яқинига дафн этилгани ҳақида маълумот берар экан, яна шундай деб ёзади: *“Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз тонгида ўша жойда биттадан хўроз сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвуш ўлдирилишига бағишланган марсиялари бўлиб, шу марсияни ўша куни куйлайдилар. Қўшиқчилар уни “оташпарастлар йиғиси” дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди”.*

Буюк мутаффаккир Абу Райҳон Беруний “Осор ул-боқия” асарида фарвардин моҳнинг биринчи куни Наврўз санасидир, у янги йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунича, ўсимликлар униб чиқишидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади, шунинг учун Наврўзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, деб маълумот беради. Улуғ аллома *“Жамшиддин кейинги подшоҳлар фарвардин моҳнинг барча кунларини байрамга айлантириб, уларни олти қисмга бўлдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуғ кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматкорлари учун, бешинчиси халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун байрам қилиб белгиланди”,* деб ёзади. Шу билан бирга Беруний *“Фарвардин моҳнинг олтинчи куни катта Наврўз байрами. Айтишларича, шу куни Аллоҳ махлуқотни яратишдан фориғ бўлган, Муштарий шу куни яратилган ва бу куннинг энг саодатли вақти Муштарий соатидир. Шу куни Зардуштнинг Худога муножаат этиш навбати етган, Кайхусров ҳавога кўтарилган, Ерда яшовчиларга шу куни саодатлар тақсим этилган. Шунинг учун халқлар бу кунни “Умид куни” деб атайдилар”* деган ривоятни ҳам келтиради. Алломанинг ёзишича, Наврўз куни етти хил дон экилган, уларнинг униб чиқишига қараб, шу йилги ғаллалар ҳосилининг тўлиқ ёки пуч бўлиши аниқланган. *“Бундан ташқари, Наврўз куни Ҳарузо номли сув фариштаси куни ҳам ҳисобланган. Шу сабаб одамлар оқиб турган сувлардан идишларда сув олиб, умрлари баракатли ва офатлардан холи бўлиши учун устларидан сув қуйганлар. Наврўзда сув сепиш маросими ана шундай пайдо бўлган”,* деб маълумот беради аллома.

Алломаларнинг бу маълумотлари Наврўз байрамининг ниҳоятда қадимийлигини, унинг камида 4,5-5 минг йилдан бери нишонланиб келинаётганлигидан гувоҳлик беради. Айни пайтда уларнинг сўзлари, тарихий фактлари бу байрамнинг туб илдизлари, келиб чиқиши, урф-одат ва маросимлари юртимиз олис ўтмиши билан боғлиқлигини ҳам исботлайди. Наврўз қайси замон, қандай даврон бўлмасин, юртимизда барча даврларда улуғ байрам, ўлмас қадрият сифатида улуғланиб келган. Ўлкамизга босқинлар ва бу байрамга нисбатан тақиқлар ҳам уни халқимиз, миллатимиз қалбидан ўчира олмаган. Наврўз халқимиз учун ҳаёт абадийлигини, табиатнинг яшариш, янгиланиш қудратини, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни, қадриятларимизни намоён этувчи байрам сифатида улуғланиб келмоқда. Энг муҳими, унда халқимизга, миллатимизга хос инсонийлик, меҳр-мурувват, оқибат, бағрикенглик, саховатпешалик, олижаноблик, самимийлик каби қадриятлар ифодасини топган.

Наврўз юртимизга табиатнинг уйғониши, жонланиши, янгиланиши, бошқача айтганда, борлиқнинг гўзал, масъум қиёфа касб этиши билан кириб келган. Табиатдаги гўзаллик байрамга алоҳида шукуҳ бағишлаган. Шу сабабли барча шоирлар бу байрамни улуғлаб жўшқин мисраларда мадҳ этганлар. Агар Фирдавсий бу ҳақда:

***Йил боши Ҳурмузу эди фарвардин,***
***Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.***
***Бу бахтиёр кунни ўшандан буён***
***Шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон,***

– деб ёзса, мутасаввуф шоир Фаридиддин Аттор:

***Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдир,***
***Гулшан аро рухсори Дилафрўз хушдир,***

– дея уни улуғлайди. Жавонмард шоир Паҳлавон Маҳмуд:

***Ҳар бир куни умрингнинг ёруғ юлдуздир,***
***Ҳар кеча қадру ҳар саҳар Наврўздир,***

– деб оташин мисралар битса, улуғ мутафаккир Алишер Навоий:

***Адолат аро фасли Наврўздек,***
***Сиёсатда барқи жаҳон сўздек, –***

– дея сиёсат майдонида адолатнинг барқарор бўлишини ҳаётда Наврўзнинг абадийлигига менгзайди. Наврўз ҳамма замонларда ижод аҳлининг мангулик мавзусига айланган.

Бугун табиат бағридаги уйғониш одамлар қалбига ҳам кўчмоқда. Оилалар, кўча-куйларда, маҳаллаларда, қишлоқ ва шаҳарларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш, орасталик ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси ва умумхалқ ҳашарлари юрт ободлиги кўнгил ободлигидан бошланишининг амалий ифодасидир.

Наврўз нафақат умумхалқ байрами, балки йилбоши сифатида қилинган ишларни таҳлил қилиш, келгуси режаларни белгилаб олиш айёми ҳам ҳисобланади. Шу маънода кўплаб соҳаларда яратувчиликлар, янгиланишлар кўлами, айниқса, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ва бу стратегияни “2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурида белгиланган улуғвор ишларда, вилоятларда барпо этилаётган иқтисодий зоналар, бир неча ўнлаб йирик саноат бирлашмалари, қишлоқ хўжалиги агромажмуалари, қўшма корхоналар ташкил этилишида, янги технологияларни ҳаётга тадбиқ қилишда, аждодлар меросини ўрганишда, сайёҳлик тизими фаолиятини янада яхшилашда, ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида ва бошқа кўплаб амалий жараёнларда ифодасини топмоқда. Айни пайтда, мамлакатимиз раҳбарининг Тошкент, Наманган, Андижон, Хоразм Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи пайтида янги заводлар, фабрикалар, турар жой массивлари, олий ўқув юртлари бинолари, мактаблар, мактабгача тарбия масканлари, экотуризм ва сайёҳлик марказлари барпо этиш, маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантириш, аҳоли ва ёшлар орасида тадбиркорликни кучайтириш режалари белгиланди. Давлат раҳбарининг жойларда бўлиши бугун ижтимоий ҳаётимизда амалий ишларга жиддий эътибор қаратилганлигини, бунёдкорлик, яратувчилик асосий мақсадга айланганини кўрсатади. Бу йилги Наврўз юртимизда ана шундай янгиланишлар билан кутиб олинмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили бу байрамни нишонлаш билан боғлиқ равишда давлатимиз раҳбарининг қарори эълон қилиниши ҳам Наврўзга алоҳида эҳтиромнинг ифодасидир. Президентнинг шу йил 4 мартда “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори байрамга тайёргарликни бошлаб берди. Байрам тадбирлари, қарорда кўрсатилганидек, баҳор айёмида борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни акс эттирадиган, юртдошларимизни бугунги тинч, осуда ҳаётимизни қадрлашга ундайдиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг азалий қадриятларига ҳамоҳанг тарзда, жамиятимиздаги миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар ҳамда акциялар уюштирган ҳолда, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган ишларни амалга ошириш билан боғлиқ равишда ўтказилмоқда.

> **Умар Ҳайём “Наврўзнома” асарида: “Офтоб исфандармуз ойида охирги Хут буржига етиб келади. Каюмарс вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва офтоб фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи буржга кирди. Жамшид подшолигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач, бу давр тугади ва қуёш ўз фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб дунё мувозанатга келди, яъни кун билан тун тенглашди. Биз эслатган бу кунда у байрам ташкил қилди, унга “Наврўз” деб ном берди.**

Байрам кунларида ҳунармандчилик, китоб кўргазмалари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилмоқда, кўклам таомлари тайёрланиб, уларнинг кўргазма-савдолари, танловлари уюштирилмоқда.

Бу йилги Наврўз байрами аввалги йиллардагидан бошқачароқ тарзда, яъни Рамазон ойида нишонланиши ҳисобга олиниб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳар томонлама эъзозланмоқда, “Меҳрибонлик”, “Саховат”, “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, улар учун байрам дастурхонлари ёзилмоқда ҳамда турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу йил байрам юртимизда “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган ғоя асосида ўтказилмоқда.

Буюк алломалар, аждодларимиз бу байрамга алоҳида эҳтиром билан қараганлар. Бу байрамнинг қайси йилда, қайси кунда, қай тарзда кириб келишига қараб йил давомида мамлакатлар, халқлар ҳаётида, инсонлар тақдирида қандай ўзгаришлар, янгиликлар, қувонч ва ташвишлар юз беришини аниқлаб, “Солнома”, “Наврўзнома”, “Меърожнома” каби тақвимлар яратганлар. Ҳаётда юз берадиган воқеликлардан халқларни огоҳ қилганлар.

Улуғ аллома Ҳаким ат-Термизий “Солнома” асарида *“Агар Наврўз наҳанг (балиқ) йилида кирса, ул йилнинг қиши хушлиқ бўлғай, лекин ёмғир кўп бўлғай, ҳайвонларга, халойиққа, айниқса, дарвиш, ғариб фуқароларга яхшилиқ бўлғай. Машриқ сари неклик (яхшилик) бўлғай, мағриб сари фитна бўлғай. Қонлар кўп тўкилғай, подшоҳларга ташвиш кўп бўлғай. Йил давомида сув ва ҳосил кўп бўлғай, мевалар кўп етишғай.*

*Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғилса дамир, мардона, хуш қиёфалик, йилнинг ўртасинда туғилса хуштаъб ва одамларга хайрихоҳ, йилнинг охиринда туғилса тезкор, ҳаракатчан бўлғай”* деб ёзади. “Наврўзнома” асарида эса *“Агар Наврўзи олам пайшанба куни доҳил бўлса, Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бўлғай. Бу йил баъзи жойларда неъматлар кўп бўлиб, баъзи жойларда оз бўлғай. Ёмғирлар ўз вақтида ёғғай, қор, ёмғир кўп бўлғай. Юртимиз аҳволи яхшиланиб, ҳамма ҳунарпешалар касбларидан хурсанд бўлғайлар. Савдогарлик яхши бўлғай. Халойиқлар орасида ёлғон сўз, беморлик кўпайса ҳам ҳаёт яхшиланғай, одамлар ўртасида меҳр-мурувват кўпайғай”,* деб башорат қилади.

Улуғ алломанинг ушбу башоратларини ўқир эканмиз, бу йил Ҳамалдан балиқ йили бошланиши ва Наврўз пайшанба куни киришини ҳисобга оладиган бўлсак, юртимиз ва миллатимиз, барча халқлар учун 2024 йил хайрли ва барокатли келишидан дилларда қувонч уйғонади. Илоҳо, Наврўз – йилбоши, улуғ байрам юртимизга яхшиликларни бошлаб келган бўлсин!



> *Наврўз аслида табиатни, кун ва тунни мувозанатга келтирувчи айём сифатида улуғланади. Эндиликда у нафақат табиатни, балки барча халқларни, мамлакатларни, умуман, бутун дунёда ҳаётни мувозанатга келтирувчи, яхшиликларни, гўзалликларни, меҳр-муҳаббатни қарор топтирувчи байрамга айланмоқда. Бундай айёмда ҳар бир кўнгилдан “Наврўзинг қутлуғ бўлсин, дилбар Ватаним!” деган улуғ ният ўтади.*

**Баҳор фасли билан аёл басти мутаносибдир. Олам гулларга бурканиб, Наврўз кириб келганда аёллар ҳам очилиб-сочилиб, ҳусни таровати билан оламни ўзгача мазмунда бойитади. Бежизга ушбу фаслда туғилган қизларга Наврўзой, Гулбаҳор, Гулжаҳон, Лола, Райҳона каби исмлар берилмайди. Айнан баҳор фаслида аёлнинг гўзаллиги ортади. Атлас ва адрас, ҳарир либос кийган қиз-жувонлар кўрган кўзни қувонтиради. Аёлларнинг меҳр тафти билан тайёрланган баҳорий неъматлар ўзгача, тотли, лаззатли бўлади.**

# ГЎЗАЛЛИК, ШИЖОАТ ВА ЗАКОВАТ ТИМСОЛИ



**Турсуной НИШОНОВА,**
**НамДУ жаҳон тиллари факультети доценти**

Аёлга бўлган ҳурмат ва эҳтиром каби фазилатлар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Шу боис халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, нафосати, ақл-заковати билан ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин каби аёлларимизни эҳтиром билан тилга оламиз.

Ҳозирги ривожланган замонда ҳам мамлакатимиз тараққиётини, жамиятимиз ривожини аёлларсиз ва уларнинг иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги ва саноат тобора бир-бирини тўлдириб, ишлаб чиқаришда янги қирралар очилишига сабаб бўлмоқда. Бунда ғайрат-шижоатли аёлларимиз фаол бўлишмоқда ва меҳнатга яраша рағбат олаётган аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Президент фармонига кўра, Чортоқ туманидаги "Созсой" маҳалласи фаоли Билимхон Бағишова "Меҳнат шуҳрати", Поп туманидаги "Papfen" МЧЖ оператори Маликахон Қаюмова "Дўстлик" ордени, Учқўрғон туманидаги "Uchkurgan Textile" МЧЖ механизатори Буайшахон Исраилова ва Наманган шаҳридаги "Mega Star Elowers" МЧЖ раҳбари Ҳакимахон Тошматова "Шуҳрат" медали билан тақдирландилар. Бу рағбат вилоятимиз аёллари ғайратига ғайрат қўшди.

Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сиру-асрорлари ва сабоқларини онанинг меҳр-саховати туфайли ўрганади. Тарихга назар солсак, олис асрлардан бошлаб Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўплаб зиёли ва олима аёллар етишиб чиққан. Бугунги кунда аёл раҳбар, санъаткор, спортчи, ҳарбий, журналист, депутат, олима, тадбиркор даражасида ҳам ўзини оқламоқда. Олима аёл жамият кўзгуси, миллат тарбиячисидир. Уламолар айтганидай, бир йигитнинг илм олгани бир оилага, бир қизнинг илм олгани оламга татиши бор гап. Эътибор туфайли хотин-қизлар илм-фан соҳасида сезиларли ютуқларга эришиб келмоқда. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда меҳнатларини муносиб рағбатлантирилиши ҳам аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи юксалиб боришига замин яратмоқда.

Қувонарлиси, бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида икки нафар наманганлик қизларимиз ҳам бор. Улардан бири тўрақўрғонлик Дилшода Ҳакимова (ЎзДЖТ университети талабаси) бўлса, иккинчиси косонсойлик Муҳайё Аҳмаджонова(Тошкент тиббиёт академияси талабаси)дир. Ҳа, аёллар эришаётган бундай ютуқлар ҳар бир кишини хурсанд қилади. Чунки оқила ва ўқимишли аёл туфайли оилада бошланғич илм даргоҳи пайдо бўлади ва улар дунёга келтирган ўз фарзандларининг илк устозларига айланишади. Биринчи таълим-тарбияни ўз онасидан олган боланинг келажаги, шак-шубҳасиз, порлоқ бўлади.

Муносабат



# ЎЗБЕКИСТОН – ЮНЕСКО:
## олий даражадаги анжуманга пухта тайёргарлик билан

Маълумки, ўтган йилнинг ноябрь ойида Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида ташкилотга аъзо 194 та давлатнинг барчаси сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга юксак баҳо бериб, Бош конференциянинг навбатдаги 43-сессиясини Ўзбекистон заминида ўтказиш бўйича қарор қабул қилишган эди.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари**

Таъкидлаш жоизки, Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органи бўлиб, унинг сессиялари ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтади. Ўтган 40 йилдан ортиқ вақт давомида Бош конференция сессиялари фақат Париж шаҳрида ўтказиб келинади ва бу давр мобайнида иккинчи бор (1985 йил Болгариянинг София шаҳрида бўлиб ўтган) Франциядан ташқарида ўтказилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”*ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат нуфузли халқаро анжуманни юқори савияда ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўришга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда олий анжуманга тайёргарлик билан бирга Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб берилди.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги тегишли маданий мерос объектларини асрашга доир ишлар ҳамда иммерсив ва мавзули кўргазмалар ташкил этилади; мамлакатимизнинг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий ариза топширилади.

Шунингдек, Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига ҳамда бошқа халқаро рўйхатларга киритиш чоралари кўрилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини чуқурлаштиришда ҳамда халқаро обрў-нуфузини юксалтиришда ЮНЕСКО ташкилоти муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ушбу ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги анча самарали кечмоқда. Бунга мисол тариқасида ўзбек халқи моддий ва номоддий маданий меросининг қатор дурдоналари ЮНЕСКО рўйхатларидан жой олганини алоҳида қайд этиш мумкин. Жумладан, 2023 йилда "Ипак йўли: Зарафшон-Қорақум коридори" номзодномаси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Албатта, ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг бош қароргоҳи сифатида Самарқанд шаҳри танлаб олиниши бежиз эмас, бунда чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, ушбу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар азал-азалдан тарихий учрашувлар, тамаддунлар учун мулоқот маркази бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар ўзаро учрашиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Бунга мисол сифатида ўрта асрларда фаолият юритган Буюк ипак йўлини эслашнинг ўзи кифоя.

Ҳозирги кунда ҳам “Шарқ гавҳари” бўлмиш Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш учун ўзига хос платформа вазифасини ўтамоқда.

Сўнгги йилларда бу ерда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор тадбир ва анжуманлар ўтказилди. Масалан, “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференция (2017 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020 йил), ШҲТ давлат раҳбарлари саммити (2022 йил), Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари саммити (2022 йил), Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси (2023 йил) каби қатор йирик форумлар айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманнинг тарихий аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКО ташкил топганининг 80 йиллик юбилейи билан ҳамоҳанг тарзда ўтказилади. Шу аснода 1945 йилда ташкил топган мазкур тузилманинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, нафақат истиқболдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинади...**

ЮНЕСКО Бош конференцияси 1995 ва 1997 йилларда бўлиб ўтган 28 ҳамда 29-сессияларида шахсан иштирокчиси сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, ушбу олий анжуман, ҳақиқатан ҳам йирик оламшумул воқелик ҳисобланади. Зеро, унда “инсониятнинг виждони” бўлмиш ЮНЕСКО ташкилотининг стратегик мақсад ва вазифалари қабул қилинади. Қолаверса, олий анжуман ишида ташкилотга аъзо барча давлатларнинг нуфузли делегациялари билан бирга ЮНЕСКО раҳбарияти ҳам тўлиқ таркибда иштирок этади.

Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманнинг тарихий аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКО ташкил топганининг 80 йиллик юбилейи билан ҳамоҳанг тарзда ўтказилади. Шу аснода 1945 йилда ташкил топган мазкур тузилманинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, нафақат истиқболдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинади, балки тобора мураккаблашиб бораётган дунёдаги ўрни ва масъулияти қандай бўлиши ҳақидаги концептуал ёндашув ҳам шакллантирилади.

Шу билан бир қаторда, ЮНЕСКО янги Бош директорининг айнан Самарқанд шаҳрида сайланиши ҳам бўлажак анжуманнинг нуфузини янада оширади.

Олий анжуман асносида Ўзбекистоннинг маданий-тарихий, илмий-маърифий, туристик имкониятлари, унинг дунё тамаддунига қўшган оламшумул ҳиссаси дунё ҳамжамиятига яна бир бор намойиш этилади. Халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ кўпдан-кўп маданий ёдгорликларни жаҳон тажрибалари ва халқаро эътироф этилган меъёрлар асосида сақлаш ва реставрация қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

**Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига мамлакатимиз мезбонлик қилаётгани Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалиб, жаҳон ҳамжамиятининг ўз ўрни ва сўзига эга бўлган фаол аъзосига айланиб бораётганидан, тинчлик ва барқарор тараққиёт руҳидаги “Самарқанд овози” тобора баландроқ янграётганидан далолат беради.**

Депутат аралашгач

# Ўқитувчи ва тарбиячилар
## ТИББИЙ КЎРИКДАН БЕПУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг фаоллиги сайловчиларни мамнун этмоқда. Хусусан, партиямиздан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Шаҳло Раҳматованинг мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги амалий ишлари таҳсинга лойиқ.



Яқинда депутатнинг сайловчилар билан ўтган учрашув ва мулоқотларида мактабгача таълим ташкилоти ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилаётганлиги маълум бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 292-моддасида “Ходимнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш”, ходимнинг мажбурий тиббий кўрикдан у дастлабки ёки даврий хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар ўтиши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Навоий вилоятининг Навбаҳор туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли жами 37 та умумтаълим мактабларида 3 950 нафар ҳамда 17 та мактабгача таълими муассасаларида 637 нафар ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юқоридаги талаб асосида туман мактабгача ва мактаб таълими муассасалари ходимлари туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳар йилда бир маротаба пуллик тиббий кўрикдан ўтказилиши, бунинг учун бўлим томонидан ҳар бир ходим учун ўртача юз минг сўмдан, жами 458 млн. сўм туман тиббиёт бирлашмасига ўтказилиши лозим эди.

Бироқ “Адолат” СДПдан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Шаҳло Раҳматова Навбаҳор туманида сайловчилар билан учрашувларида мактабгача таълим ташкилоти ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва ходимлар ўз ҳисобларидан тиббий кўрикдан ўтиб келишаётганлигини аниқлади.

Соҳа ходимларининг бир неча йиллардан буён турли идораларга қилган мурожаатлари натижа бермаган. Депутат мазкур масала юзасидан Навоий вилояти ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ж.Хаджаевга депутатлик сўрови юборган эди. Ушбу депутатлик сўрови юзасидан Навоий вилоят ва туман прокуратуралари томонидан ўрганишлар олиб борилиб, муаммога қонуний ечим топилди.

Натижада Навбаҳор туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан 2023 йилнинг сўнгги чораги ва 2024 йилнинг январь ойида тумандаги мактабгача ва мактаб таълими муассасаларининг 4 587 нафар ходимлари бепул тиббий кўрикдан ўтказилишига эришилди.

Шунингдек, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан 2024 йил учун тасдиқланадиган асосий харажатлар сметасига ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш харажатларини киритиш бўйича келишиб олинди.

**“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

Муносабат

Маълумки, сўнгги етти йилда мамлакатимизда ердан фойдаланишга оид туб ислоҳотлар амалга оширилди, ер майдонларини ноқонуний бериш ёки сотиш йўналишида коррупцияга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди, ерларни ким ошди ёки аукцион савдолари орқали шаффоф олиш тизими яратилди.

# Турар жойлар олдидаги боғлар, болалар ва спорт майдончалари, бошқа ижтимоий объектлар жойлашган ерлар халқники бўлиши керак

Шунга қарамасдан, *кўп қаватли уйлар ва бошқа турар жойлар олдидаги ёки орасидаги болалар ўйин ва спорт майдончалари, кўллар, боғлар ва дарахтзорларни, яъни умумий фойдаланишдаги ижтимоий объектларни ёки ерларни турли объектлар (кўп қаватли уй, ресторан, меҳмонхона, савдо мажмуаси ва ҳоказо) қуриш учун бериб юбориш, аҳолининг розилигисиз ҳокимият захирасига олиб, кейинчалик ким ошди ёки аукцион орқали сотиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.*

Мисол учун, **пойтахтимизнинг Яккасарой тумани “Юнус Ражабий” маҳалласидаги футбол майдони ва яшил ҳудуд ўрнида 5 қаватли бино қурилиши режалаштирилган.**

Ваҳоланки, **аҳоли бир ярим йилдан бери бунга ўз норозилиги билдириб келмоқда** ёки **аҳолининг қаршилигига қарамасдан Мирзо Улуғбек тумани “Баҳор” маҳалласида жойлашган футбол майдони ўрнида ҳам кўп қаватли бино қурилиши мўлжалланган.**

Шу каби ҳолатларининг олдини олиш мақсадида “Адолат” СДП қуйидаги ташаббусларни илгари сурди:

биринчидан, *ҳокимлар ёки бошқа мансабдор шахсларнинг турар жойлар олдидаги умумий фойдаланишдаги объектларни (болалар ўйин ва спорт майдончалари, кўллар, боғлар, дарахтзорлар ва бошқа ерларни) ҳокимият захирасига олишни, шунингдек, ҳар қандай кўринишда бошқа шахсларга беришни тақиқлаш;*

иккинчидан, *ушбу объектлар ёки улар жойлашган ер участкалари ҳокимлар ёки бошқа мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари асосида ҳар қандай кўринишда бошқа шахсларга берилса, бундай объектларни умумий фойдаланишга қайтариш, тегишли мансабдор шахслардан етказилган зарарни тўлиқ ундириш ва уларни жавобгарликка тортиш керак, деб ҳисоблаймиз.*

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

Бугуннинг гапи

# БИЗ СУВНИ ЭМАС, авлодлар ризқини исроф қиляпмиз!

Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ичимлик суви танқислиги долзарб муаммолардан биридир. Ичимлик сув, аввало, чекланган ресурс ҳисобланади. Қолаверса, жуда қиммат ижтимоий харажатлар тоифасига киради. Бу бутун дунёда тан олинган ҳақиқат.

**Санобар МИРСАИДОВА,**
**халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати**

Шундай экан, сув ҳаммага етиши учун мамлакат миқёсида уни тежаш талаб этилади. Аммо тан олиб айтиш керакки, ҳозирги тарифлар билан аҳоли ўртасида тежамкорлик маданиятини шакллантириб бўлмайди. Арзон нарса ҳеч қачон қадрланмайди. Фақат бозор нархларигина одамларни сувни тежашга ундаши ва мажбур қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти фаоллари билан учрашганида сувни қадрлаш, асраш, тежаш борасида куюниб, айни бизга керакли, фойдали сўзларни гапирган эди.

*“Сув – текин эмас”, деган ғояни аҳолига чуқур сингдириш, уни маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик билан бирга кундалик турмуш қоидасига айлантириш асосий вазифа бўлиши лозим”,* дея қатъий таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, агарда сув танқислиги бошланса, аҳолининг яшаш шароитига қандай таъсири бўлади? Энг аввало, нарх-наво кескин ошади, атроф-муҳит, экология жуда оғир вазиятга тушади, чанг-тўзонда нафас олиш қийинлашади, ўсимликлар, дарахтлар нобуд бўлади, инсониятни очарчилик қарши олади.

Ҳозир республикамизнинг кўплаб туманларининг сув қувурларида олдингидек сув оқмаяпти.



**Республикамизнинг кўплаб туманларида сув қувурларида олдингидек сув оқмаяпти. Сув қувурлари бошидаги манбаларда олдинги сув захиралари йўқ энди. Еросги ичимлик сувлари ҳам қочмоқда. Ариқларда энди бизнинг кўзимиз ўрганган сувлар оқмай қўйди. Масала жиддийлигига бугун олимлар, жамоатчилик эътибор қаратмоқда. Сув тақчиллиги барча муаммоларни кучайтирмоқда.**

Сув қувурлари бошидаги манбаларда олдинги сув захиралари йўқ энди. Еросги ичимлик сувлари ҳам қочмоқда. Ариқларда энди бизнинг кўзимиз ўрганган зилол сувлар оқмай қўйди. Масала жиддийлигига олимлар, жамоатчилик эътибор қаратмоқда. Сув тақчиллиги барча муаммоларни кучайтирмоқда. Таҳлиллар эса вазиятнинг нақадар қалтис эканини кўрсатмоқда.

Қатъий тежамкорликка ўрганмас эканмиз, яқин келажакда вазият ўта жиддийлашиб кетиши турган гап.

# "ВАТАН"НИ ЎҚИНГ, "ВАТАН"НИ УҚИНГ...

Янги нашр

Бундай чиройли журнал қўлимга тушмаганига анча бўлди. Деярли барча материалларни ўқиб чиққач, журналнинг ичи ҳам номига муносиб залворли эканлигини кўрдим. Ўзбекнинг буюк шоирлари Абдулла Ориповнинг "Имтиҳон", Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" асарларини аввал ўқиганлар яна ўқийди.

Озар шоири Акиф Бағирнинг:

**Йўл бўшат, замона! Йўл бўшат, жаҳон! – Ўзбек келаётир тарих қаъридан! –**

сатрлари ўқувчиларни ҳаяжонлантирибгина қолмасдан, дўппини олиб ўйлашга мажбур қилади. Замонни, жаҳонни йўл бўшатишга ундайдиган ўзбек ким ўзи? Саволларга қардош озар адибининг журналдаги шеърини тўлиқ ўқиб чиққач, жавоб топишингиз мумкин.




**Анвар АБДУВАЛИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Юрт қайғусида ёнган, жадид боболарнинг олдинги сафида бўлганлардан бири Абдурауф Фитратнинг 1917 йил 29 декабрда чоп этилган "Ҳуррият" газетасидаги шеърини кўплар қатори мен ҳам эндигина "Ватан" журнали шарофати ила ўқидим.

Профессор Жаббор Эшонқулнинг "Ундан айро бахт бўлмас" мақоласида "Алпомиш" достонидаги энг катта фожеа нима?" деган савол ўртага ташланади. Жавоб ҳам бор: *"Ички адоват, майда манфаатлар, миллий низолар туфайли эл орасидаги тотувликнинг йўқолиб, пароканда ҳолга келиши, юртнинг вайрон бўлиши. Кейин эса шу элни бирлаштирадиган Алпомиш каби қаҳрамонлар туғилиб, элда тинчлик, осойишталик ўрнатилади. Юрт обод, эл фаровон бўлади".*

Миллий манфаат, уни тили билан боғлиқ сўз айтмоқ фурсати келганда, ўзиниям, бошқаларниям аяб ўтирмайдиган профессор Қозоқбой Йўлдош "Ватан"да ҳар доимгидай ўз гапини айтган. Қозоқбой ака ёзганидек: *"Мана, ўзбек тили давлат тили сифатида қонун ҳимоясига олинганига ҳам ўттиз тўрт йил бўляпти. Очиқ айтиш керакки, ўтган давр мобайнида миллий тилнинг тараққиёти учун қилинган ишлардан кўра ҳали қилинмагани кўпроқлигича турибди. Ёмони шундаки, она тилимиз қўлланишининг кенгайиши ва тараққиётига бирор ташқи омил эмас, балки фақат ички факторлар тўсиқ бўлмоқда. Оммавий ғурурсизлик, миллатнинг ўзлигини билдирадиган қадриятларга нисбатан лоқайдлик ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайиши, ифода тарзининг гўзал бўлишига халақит бермоқда".* Ҳақ гаплар. Бу ҳақиқат ғурури бор ҳар бир ўзбекни, биринчи навбатда, зиёлиларни ўйлантирмоғи лозим. Қозоқбой ака мақоласини "Бузилмас қўрғон" деб номлабди. "Бузилмас қўрғон" бузилмаяптими? Томошабинлик ҳам етар...

"Ватан" журнали орқали ўз дил сўзларини сатрларга кўчирган Темир Хўжаўғли билан у илк бор ота юртига келганида, 1990 йили "Оқшом тўлқинларида" эшиттиришида ярим соатлик суҳбатимиз берилганди. Ўшанда ўзга юртларни кўрган, Юрт соғинчи билан яшаган билимдон ватандошимиз билан фахрланганман. Бу гал Темир Хўжаўғли "Ватан" журнали орқали: *"Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!"* деган мисраларни такрорлаш билан айтар сўзларини айтиб қўйибди.

Устоз Аҳмаджон Мелибоевнинг "Китобхон Али Қушчи жасорати" мақоласи ўқувчини мушоҳадага ундайди. Юртимизда китоб ёзиш, ўқиш, китобхонлик ҳақида кўп ёзилган, ёзишаяпти, ишларимиз шундай давом этса, ҳали кўп ёзишга тўғри келадиганга ўхшайди. Бу масала лоқайд бўлмаган зиёлиларни "уйқусини қочираётгани" ҳам бор гап. Айниқса Аҳмаджон аканинг ташвишлари кўп: *"Бемаза китобларнинг кўпайиб кетганига фақат бир томон айбдорми? Йўқ, бу ишда иккинчи томоннинг ҳам анча-мунча "ҳисса"си бор".* Аҳмаджон Мелибоев *"Инсоният тарихида келгуси авлодлар эътибор бериши зарур бўлган сабоқлар кўп",* дея таъкидларкан, ўша сабоқлар ҳақида сўз юритади. Мирзо Улуғбек кутубхонасидаги китоблар тақдири ва Али Қушчи жасоратини эслатиб: *"Юраги китоб ишқи билан банд боладан асло ёмонлик чиқмайди,"* деган хулосани билдириб, ота-оналарга фарзанди эртасини ўйлаш масъулиятини яна бир бор эслатиб қўяди.

Филология бўйича фалсафа доктори Элдор Асановнинг журналдан ўрин олган "Шайбонийхон шахсияти нега эътиборсиз қолмоқда?" номли мақоласи ўқувчини ҳушёр торттиради. Ҳақиқатан ҳам, Шайбонийхон шахси билан боғлиқ масалада турлича қарашлар бор. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда муаллиф кўплаб саволларни ўртага ташлаган. Олимнинг ўзига хос хулосалари кўпчиликни қизиқтириб, ўйлантириб қўйиши турган гап. Шу ерда журнал жамоасининг муаллифлар танлашда тутган йўлига ҳам ҳавас қилса арзийди.

Филология бўйича фалсафа доктори Олимжон Давлатовнинг "Адл ила олам юзин обод қил..." номли мақоласида Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шахсияти ва ижодига назар ташланган. Муаллиф: *"Алишер Навоий ўзининг истеъдодини катта меҳнат ва машаққатлар билан, соф ният ва чексиз ғайрат билан камолга етказиб, буюкликнинг асрори – оддийлик, одамийликда эканини ўз ҳаёти мисолида исботлаган доно маслаҳатгўй, холис ёрдамчи, чин дўст ва донишманд муаллимдир.Унинг ҳаёт йўли ва маслак-матлабини тўғри ва тушунарли тилда етказиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда",* деган хулосага келади. Олим мақоласида ана шу ниятда буюк Навоийнинг буюк асарларига мурожаат қилади.

Мирзо Анварнинг журналдан ўрин олган "Қодирийнинг кўзлари" мақоласини ўқиб, Жулқунбой ҳайкали қаршисидаги ўйлар билан танишасиз. Ўрол Содиқнинг "Зерикаётган одам" эссеси қаҳрамони номи тилга олинмаганлигининг сабабини билиб оласиз.

Журналнинг сўнгги саҳифасидан Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Ватан абадий" шеъри ўрин олган. Бу шеърда Ватан абадийлигини исботловчи сатрлар бор. Ҳақиқий шоирнинг юрагидан чиққан ҳақиқатни кўз олдингизга келтирасиз.

Илк сондаги икки асарни қайта-қайта ўқигингиз келади. Бири ёзувчи Хайриддин Султоновнинг "Онамнинг юрти" ҳикояси. Иккинчи асар Тоғай Муроднинг "Юрт қўшиғи" бадиаси.

"Ватан" журналидаги барча мақолаларга тўхталишнинг иложи йўқ. Яхшиси "Ватан"нинг илк сонини ўқимоқ ва уқмоқ керак. Журнал учун катта меҳнат қилинган. Таниқли журналист Ҳусан Эрматов бошлиқ жамоанинг дастлабки қадами дадил, ишончли. Кўз тегмасин! Янги ажойиб журнал ҳақидаги мулоҳазаларимни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовнинг "Ватан" журнали илк сонидаги сўзлари билан якунламоқчиман: *"Бугун биз сизга тақдим этишга жазм қилаётган "Ватан" журнали маҳтарам Президентимиз олдимизга қўйган бу муқаддас ғояни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишда восита вазифасини бажаради, дея ният қиламиз. Зотан, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий форматдаги ушбу журнал ўз саҳифаларида мамлакатимиздаги энг илғор фикрли зиёлилар,олим ва сиёсатчилар учун жой беради".*

Шундай қилиб, ишончли жой бор. Бу жой "Ватан"да...

Тўйхат

Замонавий ўзбек шеъриятининг анвойи чаманида ифорли гул, ғунчалар, иқтидорли Гулчеҳралар кўп. Мунаққид ва таржимон Тўхтасин Жалолов "Ўзбек шоиралари" китобининг иккинчи жилдида ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ўзининг кафолатли ўрнига эга бўлган Гулчеҳра Жўраева, Гулчеҳра Нуруллаева, Гулчеҳра Раҳимова каби ўнга яқин Гулчеҳра исмли истеъдодли шоиралар тўғрисида эҳтиром билан сўз юритган эди.

# ЎЗБЕГИМНИНГ ЯНА БИР гул чеҳраси...

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

1992 йили республика пойтахти Тошкент ёинки вилоят маркази Жиззах шаҳарларида эмас, Ғаллаорол туманининг оддийгина босмахонасида "Соғинч" номли кичкина шеърий тўплам босилиб чиқди. Япроқдек китобчанинг 28 бетида 28 шеърий миниатюра бор эди. Ҳали Жиззах давлат педагогика институти аудиторияларида бадиий адабиёт назариясини ўрганаётган ҳаваскор шоира шеърларида ловуллаган юрак чўғлари, майин лирик овоз, самимий соз, оҳорли сўз бор эди:

***Йўқ, зўрламанг,***
***Ишқ ҳақида ёзолмам мисра,***
***Соғинчу ҳижрондан қалбимда ғусса,***
***Бошимда айрилиқ булути сузса,***
***Муҳаббат мен учун ёлғон бир қисса...***

Гулчеҳрахон ҳар бир шеъри орқали имкон қадар бирор янги метафора топишга ҳаракат қилади, "андишани ўз ҳовучига олади", "чўғсиз кулни капалак умрига ўхшатади", "гулга меҳроб дея сиғинади" ва бошқа теша тегмаган ташбиҳлар топади. "Бўри увлаган дарага қуён қадам босмасин!" дейди шоира. "Чўққидаги кўзи ёниқ, мақсади аниқ бургутман!" деб хитоб қилади лирик қаҳрамон.

Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг "Соғинч" китоби ва ундан кейин 1995 йили Тошкентдаги "Чўлпон" нашриётида босилган "Янги ой чиққан кеча", 1997 йили "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "Дилда дарднинг бўлмаса" шеърий тўпламлари соф, самимий сўзнинг кичик бир чашмаси сифатида китобхонларнинг чанқоғини қондирди. "Дилда дардинг бўлмаса" тўпламига замонамизнинг забардаст шоири Эркин Воҳидов "Шабнамларга чайилган гул" номли ажойиб сўзбоши ёзиб берди: *"Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг шеърларида жиддий фикр, чинакам ҳиссиёт, самимият ва камтарлик билан бирга юксак дид ҳам мужассам. Гулчеҳранинг дастлабки шеърларини ўқиганингиздаёқ, бир шода марварид топгандек қувонсангиз, шеър сўнгида ўша марваридлардан таралган ёғду аввал қўлингизни ёндириб, сўнгра кўнглингизга туташгандек бўлади. Мен Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг илм ва ижод йўлига доимий баркамоллик, ҳаётда енгилмас ирода, сабр ва матонат, асосийси, ҳаёт йўлларида доим ғолиблик насиб этишини тилаб қоламан. Гулчеҳра қизим бу йўлда ўзидан олдинги салобатли карвонларга етиб олар, деган умидда биз каби устозлари ўгити ила юксакларга кўтарилишига ишонч билдираман. Оқ йўл, сенга Гулчеҳра! 1997 йил, Тошкент".*

Бугун, яъни орадан 27 йил ўтиб, шуни ишонч ва камоли эҳтиром ила айта оламизки, қаҳрамон устозимизнинг ҳар бир самимий сўзи, ҳар бир ҳарфи ҳақ бўлиб чиқди. Ўша кунлардан бошлаб Гулчеҳра ўзбек шоираларининг лирик сопрано овозли жўшқин симфониясига қўшилди. Унинг шеърларидан Жиззах адирларида ўсган минг бир хил анвойи гулларнинг бўйи, Бахмал боғларидаги қирмизи олмаларнинг ҳиди келади. Уларни ўқиганда Зомин арчазорлари орасидаги биллур булоқларнинг ширин сувларини ичгандек маза қиласиз.

Халқимизнинг ош каттадан, сув кичикдан, деган доно гапи бор. Гулчеҳрахоннинг китобларига 1997 йили Эркин ака, 1998 йили атоқли устозимиз Озод Шарафиддинов сўзбоши ёзди. Икки қаҳрамоннинг эътибору эътирофидан ташқари педагогика фанлари докторлари, профессорлар Қозоқбой Йўлдошев ва Муҳаммаджон Қуронов талантли шоира ижодига юксак баҳо бердилар. Қ.Йўлдошев "Гулчеҳра Шаҳобиддиннинг шеърияти чин туйғулар манзараси"дан иборат деб ёзса, М.Қуронов уни "ўзбек шеърияти каҳкашонида порлаётган шоира" деб атайди. Бадиий сўзга, матнга ҳамиша холис баҳо берадиган мунаққидимиз Ваҳоб Раҳмон эҳтиром билан "Гулчеҳранинг шеърларидан вафо ва садоқат уфуриб туради", деб ёзди. Ардоқли устози Шарифа Салимова эса "Инжа табиатли, соҳира, гўзал сўзли ўзбек шоиралари сафида Зомин чашмаларидай мавжланиб турган Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи ҳам бор", дейди. Ажойиб адиба ва олима Гулжаҳон Мардонова унинг "чеҳраси гул, кўнгли атиргул, қалби тўла туғён, қаламининг сиёҳи гул" эканини таъкидлайди. Гулчеҳранинг "ирлари", яъни, шеърларига Қирғизистон Миллий ёзувчилар иттифоқи аъзоси Берметхон Зокирова юқори баҳо бериб, "Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи ўз шеърларида "Бахт нима?" деган саволга жавоб беришга интилади. Мен унга ижод бахтини, оналик бахтини, метин сиҳат бахтини тилайман!" деб ёзади. Тожик шоири С.Чори ҳам шоира шеърларининг мафтуни эканлигини мамнуният билан қайд қилган. Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг бир қанча шеърларини М.Намозов, Ю.Абдуллаева, Г.Эрқулова, Д.Раҳимова, А.Раҳимжонов, З.Худоёрова ва бошқа таниқли хонандаларимиз қўшиқ қилиб куйлаб келмоқдалар.



Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг бадиий жиҳатдан бақувват шеърлари аллақачон мамлакатимиз ташқарисида ҳам мухлислар меҳрини қозонган:

***Қайдадир қасрлар, саройлари бордир,***
***Кўз кўриб, эшитмаган бир жойлари бордир,***
***Денгизлари бордир, сойлари бордир,***
***Бу дунёда бошқа Ўзбекистон йўқ!***

Шоиранинг ушбу самимий сатрлари ҳам китобхон кўнглидан жой олади. Бу шеърни таниқли шоир Шоҳмаммад Доғларўғли озарбайжон тилига таржима қилди. Шоиранинг энг сара шеърлари Ш.Доғларўғли томонидан қардош халқ тилига ўгирилиб, "Сени севаман, ҳаёт" номи билан чоп этилди. Китобнинг Бокуда ўтган тақдимоти адабиёт ҳамда дўстлик анжуманига айланди. Бундан ташқари Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг шеърлари Алишер Навоий юбилейи муносабати билан чиқарилган "Марказий Осиёнинг олтин китоби" тўпламига, АҚШда инглиз тилида босилган "1001 ўзбек шоири" антологиясига, ўзбек, рус, инглиз тилларида босилган "Ўзбек карвони" антологиясига кирди.

Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи томонидан турли йилларда ёзилган шеърлар 2022 йили "Қақнус қўшиғи" номли салмоқли тўпламга жамланди. Унга 220 га яқин шеърлар, қатралар киритилган. Китобдан "Дўстга", "Қақнус қўшиғи", "Анна Ахматовага", "Йиғлаяпман Она", "Сенга", "Соғиниб", "Дарвеш каби", "Кел, энди", "Отам чалган дутор", "Сизга нима қилдим?", "Ёмғирли кун", "Қодирийнинг ўзи қайтмаган ҳовли", "Насимийнинг гуноҳи не?", "Бир кам дунё", "Шукрона" каби ўнлаб ажойиб шеърлар ўрин олган:

**Дард бердинг, дармон бердинг,**
**Бахт бирла армон бердинг,**
**Чида, деб фармон бердинг,**
**Ўзингга шукур, Аллоҳ!**

Қатор шеърларда севилган аёлнинг ҳис-ҳаяжонлари, дил оғриқлари, ички исёнлари, қалб изтироблари, орзулари, армонлари, соғинчи берилган. Гулчеҳрахоннинг шеърларини ўқиганингизда осмондаги юлдузлар ёрқинроқ порлагандек, майсалар янада яшилроқ тусга киргандек, атрофга муаттар атир исини таратгандек бўлади.

"Қақнус қўшиғи"да самимий сатрлар, тугал шеърлар бисёр. Айни чоғда ўқирманнинг "Китобдаги барча шеърлар бадиий жиҳатдан бир хилми?" деб берадиган саволига рўй-рост жавоб бериб ўтамиз: тўпламда ҳали қиёмига етмаган, мавзу чуқур очилмаган, баъзан бир-бирини такрорлайдиган шеърлар ҳам йўқ эмас. Бунга қарамасдан Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи нафақат бугунги ўзбек замонавий шеъриятида, балки туркий халқлар поэзиясида, Марказий Осиё халқлари адабиётида ўз овози, ўз сози, ўз сўзига эга шоира эканлигини таъкидлаш орқали унга узоқ умр, ижодий баркамоллик, бахту омад тилаймиз!

«Адолат» СДП Марказий аппарати партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Сирожиддин Рауповга акаси
**Салоҳиддин РАУПОВ**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Адолат» СДП Марказий аппарати партиянинг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Руиддин Рауповга акаси
**Салоҳиддин РАУПОВ**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тадбир

# "АДОЛАТ БЕЛБОҒИ" ва "ДЎППИ"си байрам совғаси бўлди




Наврўз айёми муносабати билан воҳамизда ҳам байрам тантаналари кенг нишонланмоқда.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

"Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилояти, Урганч шаҳар кенгашлари ҳамда 29-сон умумтаълим мактаби ҳамкорлигида "2024 йил "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда ёш адолатчилар ва аёллар қанотининг ўрни" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбирга партия фаоллари, депутатлари ҳамда мазкур мактаб жамоаси ва ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирни 29-сон умумтаълим мактаби маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хосият Эгамберганова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ёшлар ва хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар, бу борада "Адолат" социал-демократик партияси томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Сўзга чиққан партия фаоллари томонидан байрамона тилаклар, фикр ва мулоҳазалар билдирилди ва мактабнинг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари партия томонидан таъсис этилган "Адолат дўпписи" ҳамда "Адолат белбоғи" махсус совғалар ва сертификатлар, партиянинг ташаккурномаси ҳамда китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, куй, қўшиқ ва рақслар, "Ватан", Ўзбекистон", "Она" каби шеърлар тадбир иштирокчиларига кўтаринкилик бағишлади.

## 21 март – Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд топган кун



Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим шимолроқ томондаги Қўнғиртов этакларидир. Қўнғиртов дегани у ерда дов-дарахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-қўнғир тусда бўлганлигидандир. Қўнғиртовда ягона шўр сувли булоқ бор, уни Қўтирбулоқ дейдилар. Чунки унинг шўр, тузлик сувидан одамлар турли дардларига шифо топиб юрадилар. Геолог дўстларимизнинг айтишларига қараганда, у ниҳоятда эски тоғнинг қолдиғи, чўкиртаклари экан. Бу тоғнинг нариги томони Самарқанд, бериги томони Бухорои шарифга юз тутиб турибди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

# Ўз ҳақимда бир оғиз сўз

Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога ана шу Қўнғиртовни ошиб ўтган эмишлар. Албатта, бу гаплар халқнинг хотирасида ўқтин-ўқтин чақнаб турадиган хаёл учқунлари бўлиши мумкин. Қишлоғимизнинг номини Некўз дейдилар. Унинг маъносини мен яхши билмайман. Ҳар ҳолда у қадимий ўзбек уруғларининг бир шохобчаси бўлиши мумкин. Дарвоқе, Амир Темур бобомизнинг оналарини Некўзбегим ҳам деганлар.

Ота тарафдан катта боболарим Норбой бобо, Боймурод бобо, Убайдулло боболар бўлишган. Ундан кейин менинг отам Ориф бобо. Она тарафимдан бобомни Эрдона карвон деганлар. У киши чамамда, қандайдир карвончилик билан машғул бўлган.

Қишлоғимизда сув ниҳоятда тақчил эди. Қашқадарёдан тортиб келинган иккита ариқ бўлиб, бирини Хомариқ (Хонариқ ҳам бўлиши мумкин), иккинчисини Ғаданг дейишган. Ғаданг арабча сўз, маъноси ёйнинг ўқини билдиради. Гўё Қашқадарё эгик камон бўлса, Ғаданг ундан отилган ўқ каби. Лекин бу ариқларга сув жуда қийинчилик билан чиқар, шу сабаб одамлар ариқни тинимсиз чуқурлаштиргани-чуқурлаштирган эди. Бу жараённи ҳайров дер эдилар. Сув етарли жойда, албатта, у-бу нарсалар экиларди, тоғнинг этаклари лалмикор ерларда эса асосан буғдой, арпа етиштириларди. Аёнким, бу поёнсиз қир-адирларда чорва кўп эди. Туя, йилқи, қўй дегандай. Қудуқларнинг суви батамом шўр, ичишга яроқсиз. Лекин уни негадир мол-ҳол ичиб юраверарди. Айниқса, баҳор пайтларида бу ерларга ёғин кўп тушар, Қўнғиртов этаклари минг ўт-ўлан, чучмою қизғалдоқлар билан, қуёнтовуғу исмалоқ билан, каррагу ҳазориисфанд билан, қўзигуллар билан қопланар, атроф-теварак жаннатий бир манзара касб этарди.

Ўша Қўнғиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўтган. Баҳор келганда ҳавони ўт-ўланнинг ёқимли хушбўй ҳиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Ўша юксакликдан шимол тарафдаги ям-яшил бепоён кенгликларни томоша қилар эдим, тўйиб-тўйиб нафас олар эдим. Айниқса, бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг етгудек улкан-улкан нковвотранг юлдузлар чарақлаб туради. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим.

Бир қўшнимиз ғоят покдомон Камолхон эшон деган киши бўларди. Раҳматликнинг онасини Биби момо дердилар. Билмадим, улар балки Каттақўрғон ёқлардан келиб қолишган. Биби момо ўта даражада саводхон буви эдилар. Онам раҳматликка эргашиб, уларнинг суҳбатига қатнашиб қолардим. Биби момонинг катталиги сандалдек келадиган китоби бор эди. Китобни Навоий-китоб дердилар. Биби момо Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларни чунонам қироат билан ўқирдики, маъносини кўпам тушунмасам ҳам қироатдан маза қилардим.

Мактабни олтин медал билан битирдим. Акаларим турли шаҳарларга ўқишга кетиб қолгани учун отам мени қўйиб юборгиси келмади. Бу орада Зарафшондан Эски Ангор канали қазилиб, қишлоғимизга бир дарё сув оқиб келган, одамлар катта қувонч билан боғроғлар яратишга киришиб кетишган эди. Бизнинг боғимизда эллик тупдан ортиқ сархил олма навлари, узуму анжир ва бошқа мевали дарахтлар гуркираб ўсиб, мўл-мўл ҳосил бериб ётарди. Отам белкурагу кетмонни кўтариб, боғни парвариш қилар, мен отамга доимий ёрдамчи эдим. Хуллас, 1958 йил Тошкент Давлат университети филология факултетининг журналистика бўлимига келиб қолдим.

**Бир қўшнимиз ғоят покдомон Камолхон эшон деган киши бўларди. Раҳматликнинг онасини Биби момо дердилар. Билмадим, улар балки Каттақўрғон ёқлардан келиб қолишган. Биби момо ўта даражада саводхон буви эдилар. Онам раҳматликка эргашиб, уларнинг суҳбатига қатнашиб қолардим. Биби момонинг катталиги сандалдек келадиган китоби бор эди. Китобни Навоий-китоб дердилар.**

Шеърларим аввал туман, вилоят газеталарида босилиб турган бўлса-да, биринчи марта республика газетаси «Ленин учқуни»да «Қушча» деган шеърим босилиб чиққан. Мен шеърим чиққан кун бу газетани «Тўқимачилар саройи» кинотеатрининг «Қизил бурчаги»да кўриб қолганман. Бу орада қанчадан қанча шеърларим, тўпламларим чоп этилди. Бироқ, илк шеърим босилиб чиққан ўша дақиқалар, унинг қувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Балки бу ҳам адабиётдаги биринчи муҳаббат нашъасидир.

Факультетимизда адабиёт тўгараги муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби устозларимиз биз билан соатлаб машғулот олиб борардилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов жуда дадил эди. Москвада бирор асарни қоралаб қолишса, ўша асарни дарҳол ўқиб-ўрганиб, ўзимизча баҳосини берардик. Масалан, бадном қилинган Борис Пастернак ҳақида «у ёмон шоир эмас» деган хулосага келганмиз.

Шеърларим матбуотда тез-тез босила бошлади. Озод аканинг «Оқ йўли» билан «Шарқ юлдузи»да шеърларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасида мушоиралардан бирида «Муножотни тинглаб», «Бургут» деган шеърларимни ўқидим, ўша куни Абдулла Қаҳҳор назарига тушдим. Миртемир домла атрофида кўп шогирдлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадек донишманд устозга эргашиб, у киши шеър ўқиган минбардан мен ҳам шеър ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги «Турон» кутубхонасида ўқиган шеърларимни тингловчилар жуда илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода домла билагимдан тутиб, «Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлгайсиз, ишқилиб қарсаклардан талтайиб кетмасангиз бўлгани» деган. Бу гаплар ҳам менинг қулоғимга қўрғошиндай қуйилиб қолди.

Бу орада китобларим кетма-кет нашр қилинди. Устоз Ғафур Ғулом қатнашган давраларда шеърларини ўз оғизларидан неча-неча бора эшитдим. Бир сафар Ғафур ака елкамга қоқиб, «Кеча телевизорда шеър ўқиган бола сенмисан. Ёзавер, ўғлим» деганларини ҳеч қачон унутмайман. Ва ниҳоят бир куни мени Ойбек домла йўқлаётганини айтиб қолишди. Бу улуғ зот беморроқ бўлганлари сабабданми, ёки салобатлари ғоят буюклигиданми, хонадонларига ҳар қандай қаламкаш юрак ютиб боролмас, баҳайбат чўққига боққандай домлани узоқроқдан томоша қилиб юрардик. Ойбек домла билан учрашувларимни ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қоғозга туширсам бир рисола бўлар. Домлага «Арманистон» деган шеъримни ўқиб берганимда «ингичка, ингичка» деб қўйганларини эслайман. Бу хитоб шеърингизда нозик қочиримлар бор дегани бўлса керак, деб ўйлайман. Ойбек домла кейинги сафар чорлаганларида қўлимга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка тавсия қоғозини тутқаздилар. Иккинчи тавсия Миртемир домладан келди. Шу йўсинда уюшмага Комил Яшин раисликларида аъзо бўлиб кирдим.

Сўнг турли матбуот идораларида хизмат қилдим, катта-кичик мукофотларга, халқ шоири унвонига сазовор бўлдим. Мустақиллик йилларимизнинг буюк инъоми — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига ҳам лойиқ топишди. Асосий иш фаолиятим ижод ва ижодий соҳага тегишли хизматлар билан ўтаётир.

* * *

Менинг деярли ҳар бир шеърим ҳаётдаги маълум бир воқеа, ҳодиса билан боғлиқ, жўнроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. Масалан, «Аёл» деган шеърим урушдан қайтмаган амакиларимнинг беваларига бағишланган. Мен уларнинг изтиробларини кўриб, кузатиб улғайганман. Ёхуд «Ўзбекистон» қасидасининг ёзилишичи? Бунинг ёзилишига нима туртки бўлган, дейилиши мумкин. Гап шундаки, Ватанинг бутун Совет Иттифоқи деб уқтириб турилган бир пайтда, менга Ўзбекистон нима бўлди экан, деган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, «Ватаним — Ўзбекистон» деб шеър ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда ерга урилаётганини кўриб «Она тилимга» номли шеърни ёзганман. Ишхонамиз ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта тилла балиқ оғзини каппа-каппа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолига ачиниб, мен ҳам «Тилла балиқча» деган шеър ёзиб, балога қолганман. Эмишки, сассиқ ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутганман. Демакким, ҳақиқатан ҳам, бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди.

Ҳозир ўтган йиллар бутун нуқсонлари билан кўзга ташланиб, танқидга учраб турган бир даврда ўтган замондан жабр кўрган «қаҳрамонлар» ҳам оз эмас. Баъзан ўша замонларда қамалган оддий киссавур ҳам ўзини замондан ноҳақ жабр кўрган зот деб эълон қилишни хуш кўради. Лекин собиқ мафкурадан, собиқ сиёсатдан ҳақиқатан озор чекканлар кўпчиликдир ва уларнинг тарихлари ҳаммамизга маълум. Ҳар ҳолда ўша тазйиқлардан 60-йилларда адабиётга кириб келган ёшлар ҳам бебаҳра қолмаганмиз. Мен бу гапларни зинҳор-базинҳор ўзимни жафо чеккан шўрлик шоир сифатида кўрсатиш учун айтаётган эмасман. Ўша йиллари менинг ёш идрокимни икки-уч савол қаттиқ қийнарди. Биринчиси, нега менинг халқим иккинчи сорт, иккинчиси, нега менинг тилим беобрў, нега менинг Ватаним мавҳум. Нега табиат ато этган ҳис-туйғуларни ҳам ошкора изҳор қилиш мумкин эмас, масалан, яқин қариндошинг ўлса марсия ёзиш мумкин эмас, муҳаббатинг бахтсиз бўлса, надомат чекиш гуноҳ ва ҳоказолар. Мен бу ўринда бошимдан ўтган турли майда-чуйда тазйиқларни эслаб ўтирмайман. Лекин бир гапни айтмасам бўлмас. Менинг ижодимда ёлғизлик, маҳзунлик туйғулари кўп учрайди, дея дакки беришган ва бунинг сабабини турлича шарҳлашган ҳам. Аслида эса менинг табиатим ўзи шунақароқ бўлса керак. Иккинчидан, мени қийнаган саволларга жавоб тополмай ўртангандирман, учинчидан, шу ҳасад деган балонинг ҳужумига жуда эрта дуч келдим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса ажаб эмас.

Мен таржимачилик билан ҳам шуғулландим. Ушбу машғулотимнинг энг асосийси Дантенинг «Илоҳий комедия»си деб биламан. Ҳозирча унинг «Дўзах» қисми таржима қилиниб, нашр этилди. Бу асар таржимасига қўл уришимга раҳматли Шароф Рашидов сабабчи бўлганлар. Атрофимизда турли қора ёрлиқлар айланиб қолганда Шароф ака бизни ўзларича муҳофаза қилдилар, шекилли ёки ижодни бутунлай ташлаб кетмасин деган хаёлга бордиларми, «Комедия»ни таржима қилишни менга топширдилар. Таржима жарёни мен учун энг улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман. Она тилимизнинг нақадар бой эканлигига имон келтирган бўлсам, ўша таржима жараёнида имон келтирганман. Азбаройи таржима асл нусхадан кам бўлмаслиги учун тилимиз бойлигидан имкон борича тўлиқ фойдаланиш учун изландим, тил хазинамиздан сўзлар ахтардим. Бунга нечоғлиқ эришганман, бу бошқа мавзу, бироқ ишондимки, бизнинг тилимиз ҳеч бир муболағасиз жаҳондаги энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир.

Дунёда мавзу шу қадар кўп эканки, уни танлаб олишда муаллиф гоҳо шошиб қолиши мумкин. Масалан, халқимизнинг шонли тарихини ҳали юз-икки юз йилда ёзиб адо қилиш қийин. Лекин ёзувчининг оддий тарихнавис, йилномачидан фарқи бор. У кўпроқ ўз муайян ғояларига мос келувчи мавзуларни излайди. Шу маънода асрлар бўйи камситилган, ҳақоратланган Амир Темур бобомизнинг образи менинг учун халқнинг обрў-эътиборини, қадрини белгиловчи образ бўлиб кўринди. «Соҳибқирон» асаримни ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганман.

Узоқ йиллик ижодий тажрибамдан хулоса шулки, ижодкор истеъдодининг даражасидан қатъи назар иложи борича ўзини ёлғон-яшиқдан олиб қочсин. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин. Яъни, ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кечинмаларини бутун бир халқнинг кечинмалари деб эълон қилишдан ўзини тийсин. Аксинча, халқ дардини ўзининг шахсияти фильтридан ўтказа билсин. Ўзининг шахсий дардини халқники деб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники деб билсин.

Менинг инсон ва ижодкор сифатида бахтим — Ўзбекистонимнинг Мустақиллигини кўрдим ва небахтким озод Ватанимга баҳоли қудрат хизмат қилмоқдаман.

*Шоирнинг таржимаи ҳоли қисқаришлар билан эълон қилинмоқда.*

## НАВРЎЗ

***Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.***

***Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.***

***Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.***

***Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.***

* * *

***Баҳор келаётир,
Тоза, мусаффо.
Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.
Қоялар кўксида шодмон, беқайғу
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор – энг покиза шаббодадир бу,
Баҳор – энг тоза бир шамолдир демак.
Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.
Гўдак нафасидек юпатар юзни
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.
Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин…***



## Бугуннинг гапи

# Рамазон ойида нега нархлар кўтарилиб кетади?

Рамазон ойи кириб келиши билан аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида нарх-наволар туширилади ёки камида оширилмай туради. Бу Рамазонга, умуман, халққа бўлган ҳурматдир. Айнан мана шундай савдогарларнинг, тижорат қилувчиларнинг ишлари баракали бўлади.

Муҳиба БАБАБЕКОВА,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати

Афсуски, баъзи савдогарлар Рамазондан ўзича фойдаланиб, бу ойда кўпроқ фойда қилиш мақсадида нарх-навони кескин суръатда ошириб юборадилар. Сабаби, бу ойда озиқ-овқатга бўлган талаб кўпаяди. Ахир одамлар саҳарлик ва ифторликда дастурхонини чиройли қилиш мақсадида сархил озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл сотиб оладилар. Шу кунларда мева-сабзавотларга бўлган талаб кучаяди. Аммо қутлуғ дамларда нархлар асоссиз оширилаверса, Рамазоннинг иззати қаерда қолади?

Инсон фақат ташқи жиҳатга қараб иш кўраверса, узоққа бормаслиги, ўсиб-унмаслиги аниқ. *Аслида бу муборак ойда одамларга бироз ёрдам бўлсин, уларга хурсандчилик бўлсин, деган мақсадда нарх-наволар тижоратчининг ўзига ҳам зарар бўлмайдиган тарзда арзонлаштирилса, жуда бўлмаса, оширмай турилса, тижоратда шундай барака бўладики, буни бошқа вақтларда топиш қийин. Биз сонини эмас, сифатини яхшилаш пайида бўлайлик. Биз пулнинг кўплигини эмас, унинг баракасини сўрайлик.*

Бошқа тарафдан олиб қараганда, айнан Рамазон ойида нархларнинг ошиб кетишига одамларнинг, яъни истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам сабаб бўлмоқда. Нега десангиз, баъзилар одатий кунларда емайдиган овқатларни Рамазонда истеъмол қилади. Яна бошқалар ифторлик маросими ўтказиш мақсадида исрофга йўл қўйиб, дастурхонни ўта тўкин-сочин қилиш пайида бўлади.

Демак, муаммонинг замирида нафақат савдогарлар, балки икки томоннинг ҳам “ҳиссаси” бор.

**Рамазонда нархларнинг сунъий оширилишининг олдини олиш учун нима қилиш керак? Аввало, тижоратчилар инсофли, диёнатли бўлиб, улуғ айём кунларида одамларга енгиллик яратиш, уларга қувонч бағишлаш мақсадида нархларни арзонлаштирсалар, ўзлари учун ҳам, ўзгалар учун ҳам бирдек фойдали бўлади. Иккинчидан, истеъмолчилар озиқ-овқатларни исроф қилмай, меъёрида ишлатсалар, ифторликлардаги дабдабаларга чек қўйилса, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетиши турган гап.**

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
info@adolatgzt.uz

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 300

Адади – 2048
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.